

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-2/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

| | |
|--|-----|
| Qurbonova O.H., Isayev S.X. Kunjutni ekish muddati va ekish meyorlarini tuproqning donadorligiga ta'siri | 105 |
| Zakirova S.X., Akbarov R.F. Adirlik sharoitida anorni sug'orish meyorlarini aniqlashning o'ziga xosligi | 108 |
| Абдулхақов Ф. Томчилатиб суғориш усулини ғўза хосилдорлигига таъсири | 111 |
| Амантурдиев Г.Б., Амантурдиева Н.Г., Амантурдиева Д.Г. Влияние пробиотической кормовой добавки на молочную продуктивность коров голштинской породы | 114 |
| Амантурдиев Г.Б., Амантурдиева Н.Г., Амантурдиева Д.Г. Эффективности использования экструдированных комбикормов-концентратов на дойных коровах | 117 |
| Аминова Д.Х. Ғўзада зарарли организмларни ривожланиши ва тарқалишининг мониторинг қилиш усуллари | 120 |
| Болтаева Л.Э., Амантурдиев А.Б., Мирахмедов М.С., Норов Б.Н. F ₃ дурагай оилаларининг тола сифат кўрсаткичлари | 124 |
| Ёдгоров Н.Ғ., Халиков Б.М. Маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг кузги буғдой ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсири | 127 |
| Зокиров К., Собиров О.Т., Зокиров О.К., Исаков И.Б., Саиджахонова Д.А. Распространение и биологические особенности сливовой ложнощитовки – <i>Sphaerolecanium prunastri</i> (Fonsc.) в условиях Ферганской долины | 130 |
| Имамов Ф.З., Ортиқов Т.Қ. Минерал ва органик ўғитлар ҳамда фосфогипсни ингичка толали сурхон-14 ғўза навининг хосилдорлигига таъсири | 133 |
| Исашов С.А. Ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришlashда тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш | 136 |
| Исашов С.А. Тупроқ остидан суғориш усулини ғўза хосилдорлигига таъсири | 140 |
| Қорабоев И.Т., Шавкатова З.Ш. Турли қатор кенгликларида ғўзанинг Бухоро-102 навини паваришlashни тупроқни агрофизикавий хусусиятлари ва пахта ҳосилига таъсири | 143 |
| Турдиқулов Т. Фермер хўжаликлари ва аҳоли молларининг сут ва гўшт маҳсулдорлигини кўпайтириш йўллари | 147 |
| Тўхтаев Ш.Х., Ганиева Ф.А., Мухаммадова Г.Н. Ғўзадаги ўргимчакканага қарши курашишда Узмайт препаратининг самарадорлиги | 150 |
| Хасанова Ф.М., Райимбердиев Х.А., Эшонқулов М.А. Ғўза парваришида бегона ўтларга қарши кимёвий курашнинг хосилдорликка таъсири | 152 |
| ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ | |
| Sharipov R.A., Raximova S.A. α – гармоник funksiyalar uchun Blanchet teoremasi | 156 |
| Абдуллаева Б.К., Ааматов Ш.Я., Шерметова А.С., Ахунов Ш.Дж., Кахрамонова П.Г., Усманов Д.Т. Исследования вторичных частиц при бомбардировке монокристалла GaAs многозарядными ионами Bi^{q+} | 159 |
| КИМЁ ФАНЛАРИ | |
| Эшчанов Р.А. Теория трансформации в ядерных протонах и атомных орбиталей | 167 |

кўкрак айланаси, кўкрак чуқурлиги ва ҳайвонларнинг суякдорлигини белгиловчи–поча айланаси ўлчами бўйича дурагай авлодларга нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилди.

Хулоса. Қайд этилган фикр ва мулоҳазалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Республикамизда чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида боқилаётган чорва молларининг сут маҳсулдорлигини кўпайтириш, ёш молларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, тез етилувчан ва сермахсул подалар таркибини шакллантиришда, хорижий давлатлардан келтирилган голштино–фриз зотли насли буқалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ–4576–сонли “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб–қувватлашнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Lexuz. Т., 2020, 29 январь.
2. Артомонов В.И. Биотехнология агропромышленному комплексу. М., “Наука”, 1989. – 160 с.
3. Икрамов Т.Х. Чорвачилик асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1996. 248 б.
4. Турдикулов Т., Рахматов О., Кузбеков С.: Биотехнологические методы повышения продуктивных показателей и улучшения племенных качеств животных // Аграрная наука – сельскому хозяйству: сборник статей. VII Международная научно–практическая конференция. Барнаул, Изд–во АГАУ, 2012., кн. 2, – с. 191–193.
5. Турдикулов Т., Турдикулова Б. Аграр секторда сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўналишлари / Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини инновацион ривожлантириш республика илмий–амалий анжумани материаллари тўплами. Гулистон, 2015, 281–284 б.

УЎК 632.9

ЎЎЗАДАГИ ЎРГИМЧАККАНАГА ҚАРШИ КУРАШИШДА УЗМАЙТ ПРЕПАРАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ш.Х.Тўхтаев, доц., Бухоро Давлат университети, Бухоро

Ф.А.Ганиева, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Г.Н.Мухаммадова, магистрант, Бухоро Давлат университети, Бухоро

Аннотация. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари каби табиий иқлим шароитида даладан юқори ҳосилдорликка эришиш учун, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келувчи зараркунандаларни камайтириш, фойдали ҳашаротларнинг энтомофагик хусусиятларини ўрганиш асосий масалалардан биридир.

Калит сўзлар. Унумдорлик, энтомофаглар, ўргимчакканалар, зараркунанда ҳашаротлар.

Аннотация. В сельском хозяйстве одним из основных вопросов является изучение энтомофагических свойств полезных насекомых, борьба с вредителями, вызывающие снижение продуктивности с поля в природно-климатических условиях типа фермерских хозяйств.

Ключевые слова. Фертильность, энтомофаги, паутиные клещи, насекомые-вредители.

Abstract. In agriculture, one of the main issues is the study of the entomophagic properties of beneficial insects, pest control, causing a decrease in productivity from the field in natural and climatic conditions such as farms.

Keywords. Fertility, entomophages, spider mites, pests.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларининг етиштириш технологияси омилларидан энг аҳамиятли ва юқори ҳосил берадиган ўўза ўсимлигининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилишдир. Қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда ўўза ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан сақлаш учун чидамли, серҳосил навларни танлаб олиб экиш катта аҳамият касб этади [1,2,5].

Ѓўза ўсимлигига зарар етказадиган зараркунандалар ўртасида хавфлиси оддий ўргимчаккана ҳисобланиб, унинг биологияси кенг ва атрофлича ўрганилган. Бухоро вилоятида ҳам ўргимчаккана ғўзага зарар етказиб пахта ҳосилини 25-30 %гача йўқ қилиб камайтиради. Биз олиб борадиган тажрибаларимизнинг асосий мақсади ўргимчаккананинг ғўзага зарар етказиш муддатларини аниқлаб, унга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб вилоят фермер хўжаликларига жорий қилишдан иборатдир. Ўргимчаккана 248 тадан ортиқ ўсимлик турини зарарлайди, шундан 173 та бегона ўтлар ва манзарали ўсимликларга, 38 та мева дарахти ва буталарга тўғри келади. ғўза ўсимлиги экиладиган туманларга ўргимчакканани “Tetruyuchus urmal Koch” тури кенг тарқалган бўлиб, бу зараркунанда пахта ҳосилини ўртача 30-40 % ини нобуд қилади.

Ф.М.Успенский (3.4) маълумотлари бўйича ўргимчаккана июнь ойида ғўзага тушганда ҳимоя чораси олиб борилмаса 50-60 % ва август ойида тушса 2-6% гача пахта ҳосилдорлигини камайтиради.

Ўртача ғўзани ҳар 100 та баргида 150 та ўргимчаккана учраса шу муддатга унга қарши кимёвий препаратлар билан ҳимоя қилиш тавсия этилади.

Ўргимчаккананинг фаол ҳаракатланиши учун 25-30* иссиқлик ва хавонинг нисбий намлиги эса 45-65% бўлиши керак. Ўргимчаккананинг ургочиси 30 кунгача хаёт кечириб, 200 ва ундан ортиқ тухум қўяди. Ўргимчаккана эрта баҳорда бегона ўтларда учраб, хаёт кечиради. Улар йўл атрофидаги бегона ўтларда, бошқа майдонларда жойлашган бегона ўтларга нисбатан 20-30 марта кўп учрайди [6,7].

Тадқиқот объекти ва олинган натижалар. 2021-2022 йиллар давомида Бухоро вилояти Жондор тумани Хумин МФЙ, “ Жондорлик Олимжон Замини” фермер хўжалигида тажриба олиб борилди. Фермер хўжаликда қадимдан суғориладиган ўтлоқи- аллювиал ерларда ўтказилган тажрибаларимиз натижасида шу аниқ бўлдики, ўргимчаккана ғўза ўсимлигида апрелнинг охири, май ойининг бошида учраб, ҳар бир 100 та ғўза баргида 14-15 донадан тўғри келади. Ғўза ўсимлигида учрайдиган ўргимчакканага қарши курашда “Узмайт” препаратининг 30% ли самарадорлигини ўрганиш учун қуйидаги вариантларда тажриба қўйилди :

1. Назорат (сув билан);
2. Омайт 1.5 л/га (57% концентрат эмулься) таққословчи препарат;
3. Узмайт 2.5 л/га (30% ли намланувчи кукун);
4. Узмайт 3.0 л/га (30% ли намланувчи кукун) .

Тажрибада ғўзанинг “Бухоро-6“ навидан фойдаланилади.

100 м² майдонда 3 та такрорий жойлашган бўлиб, ғўза кўчатлари 1 гектарда 91-95 минг дона қалинликда жойлашган.

1-жадвал

Ғўза ўргимчакканасига қарши курашда “Узмайт” препаратининг самарадорлиги (ўртача 21-22 йиллар учун)

| Тажриба вариантлари | Сарфланган препарат меъёри л/га | Ўртача 1 дона баргдаги ўргимчаккананинг сони | | | | Кунлар орасидаги самарадорлик, %да | | |
|-----------------------------|---------------------------------|--|-------------------------|-----|-----|------------------------------------|------|------|
| | | Ишловлар 13.07 | Ишловдан кейинги кунлар | | | 3 | 7 | 14 |
| | | | 3 | 7 | 14 | | | |
| 1.Назорат (сув билан) | 0 | 61.8 | 65 | 100 | 1.7 | - | - | - |
| 2.Омайт 57% к.эм. таққослаш | 1.5 | 42 | 1.5 | 0.8 | 1 | 96.5 | 98.1 | 50 |
| 3.Узмайт 30% н.кук | 2.5 | 75 | 3 | 1.8 | 0.5 | 96 | 97.6 | 99.6 |
| 4.Узмайт 30% н.кук | 3 | 38 | 15 | 2.5 | 0.8 | 60.6 | 94.5 | 97.9 |

2021-2022 йиллар 13-14 июлда эрталаб “Автомаск “ ранцевой аппарати ёрдамида 600 л/га меъёрида ишчи суюқлик билан ғўза ўсимлигига пуркалди. Ўргимчакканага қарши қўлланилган препаратнинг самарадорлигини ўрганиш учун илмий кузатувлар ва аниқ ишлар олиб борилди. 1- жадвалда келтирилган маълумотлардан шу маълум бўлдики, ўргимчакканага кимёвий қарши кураш чоралари қўлланилганда 7 кундан кейин бу препаратлар ўргимчакканалар сонини камайтиришда ўз тасирини кўрсатиб, 14 кундан кейин бўлса унинг миқдори 99.6 %

гача камаяди. Омайт препарати қўллаган вариант ҳам ўргимчаккананинг камайишига олиб келди, лекин бу препаратнинг таркибида олтингугурт бўлганлиги сабабли Жондор туманининг Хумин МФЙ фермер хўжалиги тупроқ- иқлим шароитида намликнинг камлиги, ҳаво ҳароратини юқори бўлганлиги сабабли таъсир кучи узоқ муддатга бормади ва ҳосилни сақлашда ўз тасирини йўқотди.

Ўтказилган тажрибалардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, қўлланилган “Узмайт” 30% ли н.кук препарати ғўза ўсимлигига узоқ муддатга таъсир қилиб, уни ўргимчакканадан химоя қилиб, пахта ҳосилини оширишга сабаб бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Ғўза ўргимчакканасига қарши курашда “Узмайт” препаратининг ҳосилдорлигига таъсири

| Вариантлар | Сарфланган препарат меъёри л/га | 2021 йил | | 2022 йил | |
|-----------------------------|---------------------------------|------------------|--------------------|------------------|--------------------|
| | | Ҳосилдорлик ц/га | Қўшимча ҳосил ц/га | Ҳосилдорлик ц/га | Қўшимча ҳосил ц/га |
| 1.Назорат (сув билан) | 0 | 30.5 | - | 28.8 | - |
| 2.Омайт 57% к.эм. таққослаш | 1.5 | 34.8 | 4.3 | 32.5 | 3.7 |
| 3.Узмайт 30% н.кук | 2.5 | 36.6 | 5.5 | 34.5 | 5.7 |
| 4.Узмайт 30% н.кук | 3 | 35.3 | 4.8 | 34 | 5.2 |

2- жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, 2 йил давомида олиб борилган тажрибаларимиз Жондор туман МФЙ фермер хўжалиги шароитида назорат вариантыда ҳар бир баргда зараркунанда сони 63.3 – 70.1 донани йилнинг охирида ташкил қилди, кимёвий препаратлар, айниқса “Узмайт” қўллаган вариантларда эса ўргимчаккана тўлиқ йўқолди.

Вариантлар бўйича ҳосилдорликни сақлаб қолишда препаратининг 1.2 – 1.7 л/га меёрида қўллаганда 4.8 дан 5.7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди, пировард натижада юқори иқтисодий самарадорлик олишга сабаб бўлди.

Шунингдек Бухоро воҳасида етиштирилаётган ғўза ўсимлигида ўргимчакканага қарши “Узмайт” 1.2 -1.7 л/га меъёрида қўллаш, қадимдан суғориладиган аллювиал тупроқларда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, гектаридан 34-36 центнердан ҳосил олишга имкон яратилди ва қўшимча ҳосил бўлса 4.8 – 5.7 ц/га бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Н.Алимухаммедов, Интегрированная защита растений и качество продукция. Москва “Хлопководство”, 1983, №5.стр.6-8
2. С.Н.Алимухаммедов, Исследования по защите хлопкового поля. Москва, Журнал “Защита растений”, 1983, №2.стр.18-20
3. Ф.М.Успенский, Обыкновенный паутиный клещ в орошаемых районах Средней Азии. Издательство Академия с/х наук Узбекистана, Ташкент, 1996,стр.62
4. Ф.М,Успенский, Какой должна быть система интегрированной защиты растений. Москва, Журнал “Хлопководство”, 1975, №2, стр.25-30
5. Я.Яхонтов, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1962, 197-211 бет.
6. Ш.Тўхтаев, Ф.Ганиева “Қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари зарарли организмлари ва уларга қарши биологик кураш усуллари” услубий қўлланма, БухДУ “Шарқ Бухоро” нашриёти, 2020й. 17 бет.
7. Б.Муҳаммадиев, Ш.Тўхтаев “Олтингугурт ва унинг пестицидлик хусусиятлари”. Агро илм. 4-сон(74)-2021 Тошкент-2021.

УЎК:632.633.1

ҒўЗА ПАРВАРИШИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Ф.М.Хасанова, к/х.ф.н., проф., ПСУЕА ИТИ, Тошкент
Х.А.Райимбердиев, PhD, ПСУЕА ИТИ Сирдарё ИТС, Сирдарё
М.А.Эшонқулов, PhD, ПСУЕА ИТИ Сирдарё ИТС, Сирдарё

Аннотация. Мақолада чигит экиши билан бирга ва ғўзанинг шоналашигача бўлган даврида қўлланилган гербицидларнинг ғўзани бир дона кўсакдаги пахта вазни ва ҳосилдорлигига таъсири келтирилган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№2/1 (98)
2023 й., февраль**

Ўзбекча матн муҳаррири:
Русча матн муҳаррири:
Инглизча матн муҳаррири:
Мусахҳих:
Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод
Ҳасанов Шодлик
Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Ўрозбоев Абдулла
Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.02.2023
Босишга рухсат этилди: 14.02.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 11,6 б.т. Буюртма: № 2-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18